

Жиноят Ишлари Юритувида Келиб Чиқадиган Процессуал Чиқимларни Ундиришни Тартибга Солиш

Бозоров Мақсудали Махмудович¹

Аннотация: Ушбу мақолада муаллиф томонидан жиноят процессининг мухим институтларидан бири бўлган процессуал чиқимларнинг процессуал аҳамияти, соҳадаги мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечими юзасидан хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси тўғрисида сўз юритилган. Шунингдек, бир қанча таклиф ва тавсиялар ҳам ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Процессуал чиқимлар, процессуал чиқимларнинг турлари, процессуал аҳамияти ва уларни қўллаш, процессуал харажатларни ундириш тартиби.

Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлганидек суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, одил судловни қарор топтириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоясини таъминлашга, шунингдек одил судловга эришиш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз тараққиётининг кафолати давлат ва жамиятнинг барча тармоқларини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотларни амалга оширишда намоён бўлади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-хуқуқ соҳасини тубдан такомиллаштириш борасида қатор тизимли ишлар амалга оширилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий нормалар киритилди, ҳуқуқбузарликдан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилиниши, давлат **жабрланганларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлаши**, уларга етказилган заарнинг ўрни қопланиши учун **шарт-шароитлар яратишига оид қоидалар** аниқ белгилаб қўйилди.

Одил судловни **процессуал чиқимларсиз** тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, мазкур институт жиноят ишларини юритиш жараёнининг барча босқичларидаги процессуал ҳаракатларни амалга оширишни ташкилий-моддий жиҳатдан таъминлаш билан бирга, иштирокчиларнинг мулкий манфаатларини ҳимоялаши боис жиноят процессининг молиявий воситаси бўлиб хизмат қиласи. Процессуал ҳаражатларни жиноят ишини юритишга масъул органлар фаолиятини ташкил этишни моддий-техник жиҳатдан таъминлаб, унинг самарадорлигини баҳолашга имкон берадиган, шунингдек кўмаклашувчи иштирокчиларнинг моддий манфаатларини муҳофазалаш ва далилларни сақлаш, жўнатиш, тадқиқ этиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг **моддий шарти** сифатида хизмат қилувчи ҳамда шу мақсаддаги фаолият давомида келиб чиқадиган жиноят процессининг асосий вазифаларига мос бошқа сарф-харажатлар деб тавсифлашга асос бўлади.

Жиноят ишини юритиш умумий қоида тариқасида **давлат ҳисобидан** амалга оширилади. Лекин шундай вазиятлар бўладики, иш юритишга масъул давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг функцияларига бевосита таалуқли бўлмаган ҳаражатлар келиб чиқади ва улар ҳаражатларнинг алоҳида тоифасини ташкил этади.

¹ Тошкент давлат юридик университетининг жиноят-процессуал хуқуки кафедраси ўқитувчиси



Процессуал чиқимлар билан боғлиқ муаммоларнинг самарали ечимини топиш учун процессуал чиқимлар, уларнинг процессуал аҳамияти ва таснифи ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш талаб этилади.

Процессуал чиқимлар деганда жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг процессуал фаолиятини моддий жиҳатдан таъминлайдиган, процессуал ҳаракатларни амалга оширишда кўмаклашувчи шахсларнинг моддий манфаатларини муҳофаза қилиш, далилларни сақлаш, жўнатиш, тадқиқ этиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг моддий шарти сифатида хизмат қилувчи ҳамда процессуал фаолият давомида келиб чиқадиган жиноят процессининг асосий вазифаларига мувофиқ бўлган бошқа сарф-харажатлар тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 75-моддасида жабрланувчи ёки унинг вакили, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ёки холис сифатида чақирилган шахснинг иш жойидаги ўртacha ойлик маоши унинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳузурига чақирилиши муносабати билан кетган ҳамма вақт учун сақланиши, ишламайдиган шахсларга улар кундалик машғулотлари билан шуғуллана олмаганликлари учун ҳақ тўланиши, бундан ташқари кўрсатилган ҳамма шахслар чақирилиш муносабати билан қилган сарф-харажатларини ундириш ҳуқуқига эгалиги белгиланган. Шунингдек, ушбу моддада эксперт, мутахассис ва таржимон ўз мажбуриятларини бажарганликлари учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга эканлиги, истисно тариқасида ушбу мажбуриятлар хизмат топшириғи тарзида бажарилган ҳолларда бу қоида татбиқ этилмаслиги, **сарф-харажатлар қонунда белгиланган тартибда ва микдорда тўланиши қайд этилган**.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, **процессуал чиқимлар:**

- 1) жабрланувчилар ва уларнинг вакиллари, гувоҳлар, эксперталар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга уларнинг процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга келиб-кетиш, тураг жойни ижарага олиш харажатларини қоплаш учун, шунингдек, суткалик харажат пулни тариқасида бериладиган суммадан;
- 2) доимий иш ҳақи олмайдиган жабрланувчилар ва уларнинг вакиллари, гувоҳлар ҳамда холисларга уларни одатдаги машғулотидан чалғитганлик учун тўланадиган суммадан;
- 3) эксперталар, таржимонлар, мутахассисларга улар суриштирув, дастлабки тергов ёки судда ўз вазифаларини бажарганлиги учун тўланадиган ҳақдан (ана шу вазифалар хизмат топшириғи тартибда бажарилган ҳоллар бундан мустасно);
- 4) судланувчи тўловдан озод қилинган тақдирда юридик ёрдам кўрсатганлик учун ҳимоячига тўланадиган ҳақдан (ишинни юритаётган суриштирувчи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини юридик ёрдам учун тўловдан батамом ёки қисман озод этишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат ҳисобидан бўлади);
- 5) ашёвий далилларни сақлаш ва жўнатиш билан боғлиқ харажатлар суммасидан;
- 6) экспертиза муассасаларида экспертиза ўтказиш учун сарфланган суммадан;
- 7) шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш ва қидириш учун қилинган харажатлардан;
- 8) суриштирув, дастлабки тергов ёки суд мажлисини видеоконференцалоқадан фойдаланган ҳолда ўтказиш чоғида қилинган харажатлардан;
- 9) жиноят ишини юритишда қилинган бошқа харажатлардан;
- 10) гувоҳ тариқасида, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, эксперт, мутахассис, таржимон, холис, жамоат айловчиси ва жамоат ҳимоячиси тариқасида чақириладиган шахснинг терговга қадар текширув органига,



суроштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга чақирилганлиги билан боғлиқ буткул вакт учун уларнинг иш жойида сақлаб қолинадиган ўртacha иш ҳақидан иборат.

Жиноят-процессуал қонунчиликда келтириб ўтилган процессуал чиқимларни қоплаш нуқтаи назаридан уч гурухга тақсимласа бўлади:

- 1) маҳкумлар ҳисобидан ундирилиши назарда тўтилган харажатлар;
- 2) давлат ҳисобидан қопланиши лозим бўлган харажатлар;
- 3) процесс иштирокчиси доимий ишлайдиган корхона, ташкилот ва муассасалар ҳисобидан қопланиши назарда тутилган харажатлар.

Процессуал чиқимлар мазмун-моҳияти ва турларидан келиб чиқиб, уларнинг **жиноят-процессуал аҳамиятини** қўйидагиларда кўриш мумкин:

- 1) жиноят ишларини юритиш учун учун зарурӣ шарт-шароитларни яратиб беради;
- 2) жиноят-процесси иштирокчиларининг моддий манфаатларини самарали муҳофазалайди;
- 3) турли соҳага оид билим ва қўникмаларга эга бўлган мутахассислар ҳамда зарур маълумотга эга иштирокчиларни қўпроқ жалб этиш воситасида жиноят иши сифатини оширади;
- 4) жиноят ҳақида берилган ариза ва хабарлар ўз тасдигини топмагандан уларни текшириш билан боғлиқ харажатлар ундириб олиниши ҳақидаги огоҳлантириш асосиз мурожаатларнинг камайишига хизмат қиласи;
- 5) жиноят ишларини юритишда давлат томонидан сарфланган харажатлар микдорини аниқлаш ва уларни ундириб олишга кўмаклашади.

Жиноят ишлари юритувида процессуал чиқимлар жиноят ишларини юритиш жараёнининг барча босқичларидағи процессыал ҳаракатларни амалга оширишни ташкилий-моддий жиҳатдан таъминлаш билан бирга, иштирокчиларнинг мулкий манфаатларини ҳимоялаб, жиноят процессининг молиявий воситаси бўлиб хизмат қиласи. Процессыал харажатлар жиноят ишини юритишга масъул органлар фаолиятини ташкил этишни моддий-техник жиҳатдан таъминлаб, унинг самарадорлигини баҳолашга имкон берадиган, шунингдек кўмаклашувчи иштирокчиларнинг моддий манфаатларини муҳофазалаш ва далилларни сақлаш, жўнатиш, тадқиқ этиш билан боғлиқ процессыал ҳаракатларни амалга оширишнинг моддий шарти сифатида хизмат қилувчи ҳамда шу мақсаддаги фаолият давомида келиб чиқадиган жиноят процессининг асосий вазифаларига мос бошқа сарф-харажатлар деб тавсифлашга асос бўлади.

Жиноят ишини юритиш умумий қоида тариқасида давлат ҳисобидан амалга оширилади. Лекин шундай вазиятлар бўладики, иш юритишга масъул давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг функцияларига бевосита тааллуқли бўлмаган харажатлар келиб чиқади ва улар ҳаражатларнинг алоҳида тоифасини ташкил этади. Бу ҳаражатлар процессыал чиқимлар сифатида эътироф этилади². Жиноят процессыал кодексининг 318-моддасига мувофиқ жиноят ишлари бўйича процессыал чиқимлар деганда жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, эксперtlарга, мутахассисларга, таржимонларга, холисларга уларнинг процессыал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга келиб кетиш, турар жойни ижарага олиш ҳаражатларини қоплаш учун, шунингдек суткалик ҳаражат пули тариқасида бериладиган сумма; доимий иш ҳақи олмайдиган жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, холисларга уларни одатдаги машғулотидан чалғитганлик учун тўланадиган сумма; эксперtlарга, таржимонларга, мутахассисларга улар суриштирув, дастлабки тергов ёки судда ўз вазифаларини бажарганлиги учун тўланадиган ҳақ; ЖПКнинг 50-моддасига мувофиқ судланувчи тўловдан озод қилинган тақдирда юридик ёрдам кўрсатганлик учун ҳимоячига тўланадиган ҳақ; ашёвий далилларни сақлаш ва жўнатиш билан боғлиқ ҳаражатлар суммаси; экспертиза муассасаларида экспертиза ўтказиш учун сарфланган сумма; шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш ва қидириш учун

²Процессуальные издержки. https://studme.org/1356061516342/pravo/protsessualnye_izderzhki



қилинган харажатлар; суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида үтказиш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек жиноят ишини юритишда қилинган башқа харажатлар тушунилади.

Бу холатлар процессуал харажатларни жиноят ишини юритишиң маңыздылығын ташкил этишиң моддий-техник жиһатдан таъминлаб, унинг самарадорлигини баҳолашга имкон берадиган, шунингдек күмаклашувчи иштирокчиларнинг моддий манфаатларини мухофазалашы даилларни сақлаш, жұнатыш, тадқиқ этиши билан боғлиқ процессуал харакатларни амалға оширишнинг моддий шарти сифатида хизмат қылувчи ҳамда шу мақсаддаги фаолият давомида келиб чиқадиган жиноят процессининг асосий вазифаларына мөс башқа сарф-харажатлар деб тавсифлашы асос болады. Процессуал чиқимларға тегишли башқа харажатлар деганда жиноят иши бүйіча бевосита шахснинг айбдорлигига доир даилларни түплаштырып, тергов органлари ва судлар томонидан қилинган сарф-харажатлар тушунилади. Башқа харажатларға, жумладан тергов эксперименти ёки экспертиза үтказыш өткізу бузилған ёки йүк қилинган нарсалар қыйматини қоплаш жиноят ишини алоқида иш юритувга ажратылған олиш учун күрсатылған шахслар (айланувчилардан ташқары) харажатларини қоплашып билан боғлиқ сарфлар киритилиши мүмкін³.

Процессуал чиқимларни иш юритиши билан боғлиқ бүлмаган жиноят натижасыда етказилған заарлардан фарқлашимиз лозим⁴. Етказилған заар фуқаровий дағындық құзғатында ёки фуқаролик суд ишини юритиши орқали ундирилади. Масалан, жабрланувчининг тиббий даволаниши учун кетадиган харажатлар, соғлиғи туфайли ишке чиқа олмаслиги учун ойлик иш ҳақида күрадиган заарлар процессуал чиқим ҳисобланмайды.

“Харажатлар” атамаси мазмуни турли манбаларда түрли талқын қилинади. Молия-иқтисодий терминлар луғатини ўрганадиган бұлсақ, унга күра харажатлар – “бу товар ва хизматтарни ишлаб чиқариш ва яратыш учун талаб қилинадиган ресурслар нарыхининг пулдаги ифодаси”⁵. “Харажатлар” (inputs) ва “Чиқимлар” (costs) тушунчаларини ресурслар (моддий, табиий, энергетик, меңнат, ахборот ва б.) ни ишлаб чиқаришига күра бир-биридан фарқланади⁶. Шунинг учун чиқимлар бұшунчаки харажатлар эмес, ресурслар харажаты. Жиноят процессида эса харажатлар дейилганды, содир этилған ижтимоий хавфли қылмиш натижасыда давлат ва жамиятта етказилған ҳар қандай заарни қоплашып сарф-харажат тушунилади⁷.

Баъзи тергов ҳаракатларини үтказыща (масалан, тинтув, экспертиза тайинлаш, олиб қўйиши, тергов эксперименти) унга нисбатан тергов ҳаракати үтказилаётган шахснинг мол-мулкига шикаст етказилиши мүмкін. Шикаст етказилған мулкни қайта тиклаш ёки таъмирлаш харажатлари тергов ҳаракати кимга нисбатан үтказилған бўлса, ўша шахс томонидан қопланади. Шундан келиб чиқиб, тергов ҳаракатларини үтказыш жараёнида бутунлай ёки қисман яроқсиз ҳолга келтирилған, жабрланувчи, гувоҳ ва башқа шахсларга тегишли бўлған ва уларни тиклаш учун муайян харажатлар қилишга сабаб бўладиган, мол-мулкни тиклашга кетадиган процессуал чиқимларни қоплаш масаласини ҳам ЖПК нормаларида назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

Процессуал чиқимлар институтининг мазмунан кенгайиши, унинг процессуал-хуқуқий таърифига ҳам янгича ёндашувни тақозо этиши табиий. Зотан маҳаллий ва хорижий юридик манбалардаги суд харажатлари институтига берилған таърифлар процессуал чиқимлар институтининг моҳиятини түлиқ очиб бермайды. Жумладан, А.Раҳмонқуловнинг фикрича, процессуал чиқимлар жиноят процессининг айрим иштирокчиларига улар ўз мажбуриятларини

³ Жиноят ишлари бўйича процессуал чиқимларни ундириш амалиёти түғрисида. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги 13-сон Қарори. <http://lex.uz>

⁴ Понятие и состав процессуальных издержек по уголовному делу. Порядок их исчисления, возмещения и взыскания.[https://studref.com/315707/pravo/ponyatie_sostav_protcessualnyh_izderzhek_ugolovnomu_delu_poryadok_ischisleniya_vozmescheniya_vzyskaniya](https://studref.com/315707/pravo/ponyatie_sostav_protsessualnyh_izderzhek_ugolovnomu_delu_poryadok_ischisleniya_vozmescheniya_vzyskaniya)

⁵ Настольный словарь финансово-экономических терминов и понятий/ Сост. Жалнинский Б.А. –М., 1999. –С.190.

⁶ https://textbook.news/ekonomiceskaya-teoriya_781/112-vidyi-izderjek-osobennosti-dinamiki.html

⁷ Емельянов К.Н. Процессуальные издержки в российском судопроизводстве. Дис. на соиск. Уч. Степен. Кан-та. Юр. наук. Тюмень, 2009. –С. 56.



бажаргандылардын учун, шунингдек ашёвий далилларни сақлаш ва жүннатиш кабилар учун тұланадиган пул суммалари бўлиб, улар давлат томонидан тұланади⁸. Кўриниб турибдики, бунда процесуал чиқимлар доираси жиноят процессининг айрим иштирокчиларига улар ўз мажбуриятларини бажаргандылардын учун, шунингдек ашёвий далилларни сақлаш ва жүннатиш учун тұланадиган суммалар билангина чекланиб, улар орқали барча турдаги чиқимларни қамраб олишга ҳаракат қилинган. Рус процессуалист олими С.В.Бажанованинг фикрига кўра, процесуал чиқимлар - жиноят-процессуал қонунчилигида назарда тутилган суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суднинг жиноят-процессуал фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ, жиноят содир этишда айбор деб топилган шахсдан ёки давлат бюджетидан ундириладиган харажатлардир.⁹ Яна бир рус процессуалист олими В.Н.Демидовнинг таъкидлашича, давлатнинг реал харажатлари муаммосини, хусусан, жиноят ишини юритишида келиб чиқадиган харажатларни молиялаштиришнинг муқобил микдорларини, одил судлов сифатига таъсир кўрсатмаган ҳолда мазкур турдаги иш юритишига харажатларни камайтириш ва қисқартириш йўлларини, шунингдек дастлабки тергов, суриштирув органлари ва судга чакириши билан боғлиқ харажатлар қопланишига оид бўлган фуқароларнинг хукуқларини таъминлаш юзасидан иш ҳолатларини ўрганиш ҳамда давлатнинг таъсир этиш чораси сифатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга процессуал чиқимларни юклашни ўрганиш асосий масала ҳисобланади¹⁰. Шуни таъкидлаш лозимки, жиноят ишини кўриш билан боғлиқ чиқимлар таркиби суд карорининг ижросига доир харажатлар кирмайди.

Н.А.Сидоров фикрига кўра, жиноят ишини юритишида келиб чиқадиган барча чиқимларни субъектларига қараб, икки гурухга ажратишимиш мумкин:

- 1) суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд тимсолида давлат фаолияти натижасида келиб чиқадиган чиқимлар;
- 2) жиноят иши иштирокчиси сифатида иштирок этаётган шахсларнинг фаолияти натижасида келиб чиқадиган чиқимлар¹¹.

Процессуал чиқимларнинг табиатидан келиб чиқиб, уларни яна гурухларга бўлиб ўрганишимиз мумкин бўлади. Масалан,

- 1) жиноят-процессуал фаолият иштирокчиларининг ўз фаолиятидан келиб чиқадиган чиқимлари;
- 2) жиноят иши юритувида иштирок этаётган ва этмаётган жисмоний ва юридик шахсларга юкландиган чиқимлар.

Жиноят-процессуал қонун мазмуни чиқимларни уларнинг қопланиш тартиби нуқтаи назаридан, ҳукукий табиатидан келиб чиқиб, қўйидаги икки муҳим гурухга ажратади: компенсация кўринишида ва бенефициар кўринишда. Умуман олиб қараганда, жиноят ишлари юритувидаги моддий харажатлар бевосита жиноят-процессуал нормалар, молия ҳукуки ва иқтисод билан боғлиқ. Моддий харажатларга жиноятни фош этишда давлат томонидан сарф қилинадиган харажатлар, ҳукукни муҳофаза қилувчи органлар ва суд органлари таъминоти учун кетадиган харажатлар, шунингдек процессга жалб этилган шахслар ўз иш жойларида бўлмаганлиги сабабли давлатга етказиладиган заар. Бундан ташқари, бу турдаги харажатлар қаторига вақтингчалик сақлаш ҳибсоналари, тергов ҳибсоналарида вақтингчалик сақланадиган гумон қилинувчи, айланувчи ва судланувчилар таъминотига кетадиган, шунингдек ҳукмни ижрога қаратиш билан боғлиқ харажатларни ҳам киритишимиш лозим.

⁸ А.Султонов. Процессуал чиқимлар. Илмий мақола. <http://huquqburch.uz/uz/view/679>.

⁹ Бажанов С.В. Процессуальные издержки в уголовном процессе России: Текст лекций/ ВЮИ Минюста России. – Владимир, 2001. – С.36.

¹⁰ Демидов В.Н. Уголовный процесс и материальные затраты. – М.: Спарк, 2000. – С. 76.

¹¹ Сидорова, Н.А. Судебные издержки в уголовном судопроизводстве: Дис. . канд. юрид. наук / Н.А Сидорова Ленинград, 1997. – С.198.



Жиноят ишлари юритувидаги моддий харажатларни тўлаш нафақат давлатга, балки иш натижасидан манфаатдор бўлган бошқа иштирокчиларга ҳам юкландади. Процессуал чиқимлар иш юритиш жараёнида келиб чиқадиган харажатларнинг бир қисмини ташкил этади, холос.

Хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судларнинг одил судловни амалга оширишдаги ишларини такомиллаштириш уларнинг хўжалик фаолиятига бевосита таъсир қиласди. Шу билан бирга, хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судларнинг одил судловни амалга оширишдаги фаолиятига жамият томонидан уларнинг таъминоти ва самарали ишлаши учун қилинаётган сарф-харажатларнинг қай даражада самара бераётганига қараб баҳо беришимиз лозим¹². Шунингдек, мазкур фаолиятни иш юритиш жараёнига турли соҳа вакилларини халқ масалаҳатчилари, жабрланувчи, гувоҳ, вакил, таржимон ва бошқа иштирокчи сифатида уларнинг асосий иш жойидан маоши сақланган ҳолда жалб қилишда юзага келадиган харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳам баҳолаш лозим.

Ҳақиқатдан ҳам, харажатлар структурасига нафақат жиноят процессининг қайсиdir босқичида процессуал ҳаракатларда қатнашиш ёки судда халқ маслаҳатчиси сифатида иштирок этиш учун асосий ишидан чақиририлган ходимларга тўғридан-тўғри тўланадиган харажатлар, шунингдек улар ўзларининг асосий иш фаолиятини олиб борганида яратиши мумкин бўлган маҳсулотга кетадиган харажатлар, яъни ўтказиб юборилган имкониятни ҳам инобатга олиш зарур. Шу билан бирга, харажатлар қаторига ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳада фаолият юритувчи ва фақат ойлик иш ҳақидан даромад кўрувчи жиноят процесси иштирокчиларининг таъминотига кетадиган (гувоҳ, жабрланувчи ва халқ маслаҳатчилари ва бошқалар) харажатларни ҳам ҳисобга олиш керак бўлади.

Умуман олиб қараганда, процессуал чиқимларнинг моҳиятидан баъзи хулосаларга келишимиз мумкин:

- процессуал чиқимлар номини олган моддий сарф-харажатлар жиноят иши юритуви билан узвий боғлиқ;
- процессуал чиқимлар суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суд, шунингдек жиноят иши юритувининг бошқа иштирокчилари (жабрланувчи, гувоҳ, уларнинг қонуний вакиллари, эксперт, мутахассис, таржимон, холислар) томонидан қилинган харажатлар;
- молиявий харажатлар бутун жиноят-хукуқий фаолият давомида, жиноят иши қўзғатилишига сабаб бўлган ариза, хабар рўйхатга олинган вақтдан бошлаб, хукм, ажрим ижрога қаратилгангача бўлган даврда юзага келиши мумкин;
- процессуал чиқимлар маҳкумлардан, алоҳида ҳолларда процессининг бошқа иштирокчиларидан ёки давлат ҳисобидан ундирилади.

Жиноят ишлари бўйича суриштирув, дастлабки терговни олиб бориш ва ишни судда кўриш давомида юзага келадиган харажатларни қоплаш ва ундириш тартибига кўра икки гурухга бўлишимиз мумкин: компенсация кўринишидаги чиқимлар жиноят иши юритуви иштирокчилари томонидан қилинадиган харажатлар бўлиб, иш юритиш якунida ушбу харажатлар давлат ҳисобидан, судланувчидан ёки бошқа иштирокчилар ҳисобидан ундирилади; бенефициар чиқимлар эса жиноят ишини юритишда субъектларнинг ўз вазифаларини бажариши натижасида уларга тўланадиган пул суммалари ҳисобланади, бунда вазифа хизмат топшириғи сифатида бажарилган ҳолатлар мустасно.

Бундан ташқари, жиноят ишини юритиш давомида бошқа кўринишдаги харажатлар ҳам келиб чиқадики, улар жумласига: экспертиза тергов харакати давомида мурдани қабрдан олиб чиқиш ва қайта дафн этишда ёрдам берган фуқароларга тўловлар, тергов эксперименти ёки экспертиза ўтказиш чоғида бузилган ёки йўқ қилинган моддий ашёларнинг ўрнини қоплаш, таниб олиш

¹² Емельянов К.Н. Процессуальные издержки в российском судопроизводстве. Дис. на соиск. Уч. Степен. Кан-та. Юр. наук. Тюмень. 2009. –С. 60.



учун кўрсатилган шахслар харажатларини қоплаш, жиноят ишини алоҳида иш юритувига ажратиш каби харажатлар киради. Ўз навбатида, улар иш ҳолатидан келиб чиқиб, янада кенгайиб бориши ҳам мумкин.

Ривожланган хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилигини ўрганадиган бўлсак, иш юритиш жараёнида келиб чиқадиган харажатлар барча давлатларда тартибга солинган. Жумладан, Эстония Жиноят-процессуал кодексини ўрганадиган бўлсак, бизнинг қонунчилигимизга ўхшаш нормаларни кўрамиз. Шу билан бирга, мазкур давлат қонунчилигида процессуал чиқимлар “Суд чиқимлари” номи билан юритилган. Мазкур ҳужжатнинг 87-моддасида суд чиқимлари қаторига “Айблов ҳукмига мувофиқ белгиланадиган мажбурий тўлов” киритилган. Мажбурий тўлов микдори жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига боғлиқ бўлиб, агар шахс биринчи даражадаги жиноятни содир этгани учун айбланаётган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари микдорида; иккинчи даражадаги жиноятни содир этишда айбланаётган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари микдорида; учинчи даражадаги жиноятни содир этишда айбланаётган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 баробари микдоридаги суммани ташкил этади¹³. Бу пул микдори кимдан ундирилиши кодексда аниқ белгиланмаган бўлсада, мажбурий тўлов айнан судланувчидан ундирилиши норма мазмунидан келиб чиқади.

Словения Жиноят-процессуал кодексининг IX боби айнан жиноят ишларини юритишида келиб чиқадиган сарф-харажатларни тартибга солиш ҳақида бўлиб, 92-моддада харажатлар тоифаларга ажратилган. Бизнинг қонунчилигимиздан фаркли равишда унда айбланувчининг транспорт харажатлари, иш юритишга масъул шахсларнинг транспорт ва хизмат сафари харажатлари, айбланувчини ушлаш жараёнида юзага келадиган тиббий харажатлар ҳам жиноят иши юритуви чиқимлари сифатида кўрсатилган¹⁴. Муҳим жиҳати шундаки, иш юритиш жараёнида юзага келадиган сарф-харажатлар агентлик томонидан (*funds of the agency*) тўлиқ молиялаштирилади. Агентлик (иш юритувига масъул давлат идораси) ўзи қилган харажатларини рўйхат қилиб, иш материалларига илова қиласи. Ишнинг якунида эса бу ташкилот белгиланган шахслардан қилган харажатларини мажбурий ундиради.

Америка Кўшма Штатлари қонунчилигида ҳам жиноят ишини юритиш жараёнида юзага келадиган чиқимларни ундириш масалалари назарда тутилган. Хусусан, АҚШ қонунлари кодексида (*The Code of Laws of the United States of America*) белгиланишича, чиқимлар Конгресснинг норматив ҳужжатларида назарда тутилган талабларни бузган шахсларга нисбатан қўлланилади. Уни ундириш тўлов кўринишида ёки мол-мulkни мусодара қилиш шаклида амалга оширилади¹⁵. Аксарият ҳолларда иш юритиш жараёнида келиб чиқадиган харажатларни қоплаш масаласи айбланувчи заммасига юклатилади. Федерал судлар АҚШ Конгресси томонидан белгиланган микдордаги тўловларни ундиради¹⁶.

Германия Федератив Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигининг ўзига хос жиҳатларидан бири бу процессуал чиқимларга маҳсус боб ажратилиши билан бирга, ҳар бир чиқим тури алоҳида моддаларда тушунтирилган. Жиноят иши юритувидан келиб чиқадиган суд йиғимлари хукмда белгиланади. Суд харажатлари тўғрисидаги қонуннинг 1-иловаси №3110 ff қоидасида ижтимоий хавфли қилмишлар учун ундириладиган бож микдорлари аниқ кўрсатиб ўтилган.

Германия Федератив Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 51-банди (моддаси) чақирилганда ҳозир бўлмаслик оқибатлари ҳакида бўлиб, унга кўра гувоҳ чақирилишига қарамасдан келишдан бош тортса, уни келтириш билан боғлиқ харажатлар унинг ўзидан ундирилади. Шу билан бирга, бундай гувоҳга нисбатан мажбурий жарима тайинланади¹⁷.

¹³ <http://yurotdel.com/zakony/ugolovno-processualnyi-kodeks-estonii.html>

¹⁴ <https://www.policija.si/eng/images/stories/Legislation/pdf/CriminalProcedureAct2007.pdf>

¹⁵ <https://www.law.cornell.edu/uscode/text/18/3195>

¹⁶ http://economic-definition.com/US_Government/Federal_nyy_sud_SShA_USA_Federal_judiciary_eto.html

¹⁷ https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_stpo/englisch_stpo.html



Агарда гувоҳ ўз вақтида мурожаат қилиб, узрли сабабини етарли маълумотлар билан изоҳлай олса, ундан чиким ундирилмайди.

Россия Федерациясининг жиноят-процессуал қонунчилигига процессуал чиким турлари ва уларни ундириш тартиби миллий процессуал қонунчилигимиздан жиддий фарқ қилмайди. Шу билан бирга, ушбу давлат қонунчилигига айбланувчининг вақтингчалик лавозимдан четлаштирилган даври учун тўланадиган ойлик сумма ҳам процессуал чиким тури сифатида кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси ЖПКда эса лавозимидан четлаштирилган айбланувчининг кейинги моддий таъминоти назарда тутилмаган.

Сингапур Жиноят-процессуал кодексининг 357-моддасида белгиланишича, жиноят ишини юритиш жараёнида адвокатнинг малакасизлиги туфайли сабабсиз ва нотўғри харажатлар қилинган бўлса ёки сарф-харажатлар шунчаки ҳавога сарфланган бўлса, суд ишга масъул бўлган ҳар қандай адвокатга нисбатан чора кўришга ваколатлидир. Бундай чора:

- мижознинг адвокатга ҳуқуқий ёрдам учун тўлайдиган суммасини бекор қилиш кўринишида;
- адвокатга мижознинг иш юритуви жараёнида ҳар қандай шахсга тўлаган суммаларини ва қилган харажатларини қоплаш мажбуриятини юклаш кўринишида мавжуд бўлади.

Фойдаланилган Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. (30.04.2023). <https://lex.uz/uz/docs/-6445145>
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. (22.09.1994) <https://lex.uz/uz/docs/-111460>
3. Жиноят ишлари бўйича процессуал чикимларни ундириш амалиёти тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги 13-сон Қарори. <http://lex.uz>
4. Емельянов К.Н. Процессуальные издержки в российском судопроизводстве. Дис. на соиск. Уч. Степен. Кан-та. Юр. наук. Тюмень, 2009. –С. 56.
5. А.Султонов. Процессуал чикимлар. Илмий мақола. <http://huquqburch.uz/uz/view/679>.
6. Бажанов С.В. Процессуальные издержки в уголовном процессе России: Текст лекций/ ВЮИ Минюста России. –Владимир, 2001. – С.36.
7. А.А.Абдурашидов «Кредит қарзларини ундириш билан боғлиқ муаммоларнинг айрим масалалари» Thematic Journal of Applied Sciences. – 2023. -T.3.-№.6.
8. Bozorov M. M. GUMON QILINUVCHI VA AYBLANUVCHIGA HIMOYALANISH HUQUQI KAFOLATLARINI TAKOMILLASHTIRISH ISTIQBOLLARI //Central Asian Academic Journal of Scientific Research. – 2022. – Т. 2. – №. 7. – С. 56-61.
9. Бозоров М. СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТМАСЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ: ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ БИЛАН ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ //Евразийский журнал академических исследований. – 2023. – Т. 3. – №. 1 Part 2. – С. 184-189.
10. Maxmudovich B. M. et al. Jinoyat Protsessida “Habeas Corpus Act” Institutining Tatbiq Etilishini Takomillashtirish Masalalari //Miasto Przyszlosci. – 2022. – С. 45-47.

